



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон  
Республикасида тадбиркорлик, инновацион  
технологиялар ва инфратузилмаларни жадал  
суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли  
фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги**

**ПФ-213 сонли  
ФАРМОНИ**



**22** ТА БАНД



**4** ТА ИЛОВА



Ривожланишнинг асосий йўналишлари

**7** та

- 1** Худуднинг инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;
- 2** Худудий инновацион инфратузилма субъектларини шакллантириш асосида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш;
- 3** Таянч фан, олий таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари интеграциялашуви ҳамда инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш;
- 4** Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш даражасини ошириш;
- 5** Аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида замонавий уй-жой, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни тизимли ривожлантириш;
- 6** Аҳолининг, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш;
- 7** Аҳолига таълим, тиббий хизматлар сифати ва қамровини янада ошириш, соҳада хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.

АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН СОЛИҚ  
ИМТИЁЗЛАРИ

**01.01.2023** дан **01.01.2028** ача

Фойда солиғи ставкаси 15 % дан **7,5%** га

Айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 15 % дан **7,5 %** га

Мол-мулк солиқ ставкаси 1,5 % дан **0,75 %** га

Ер солиғи ставкаси **2 баравар** қисқартириш

Сув ресурслари учун солиқ **4 баравар** қисқартириш

ЯТТ учун солиқ йилига **300 минг сўм**

Ижтимоий солиқ ставкаси 12 % дан **1 % га** туширилади

АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР



ЭКСПОРТЕРЛАРГА ЕНГИЛЛИК  
БЕРИШ

01.09.2022 дан 01.01.2028 гача

Экспорт билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг **70%** транспорт ҳаражатлари давлат жамғармалари томонидан қоплаб берилади.



ТАДБИРКОРЛАРГА КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН **75%** КАФИЛЛИК  
АЖРАТИШ

2023-2028 йилларда тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг **75%**

гача, умумий қиймати **2,5 млрд.** сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик тақдим этилади.



ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ  
ЛОЙИХАЛАРИГА

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЕР АЖРАТИШ

15.09.2022

01.01.2025 гача

Йирик инвестиция лойиҳасини **дан** амалга ошириш учун (энг яхши таклифлар **5 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан бошлаб) инвесторларга ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериш **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши** томонидан амалга оширилади.

## Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари:



мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига бошланғич қиймати

**50 фоизга** камайтирилган ҳолда чиқарилади;



мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали реализация қилинишидан тушадиган маблағлардан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган қисмининг **50 фоизи** мазкур ер участкалари жойлашган туман (шаҳар)лар бюджетига уларнинг қўшимча манбалари сифатида ўтказилади.



## АҲОЛИГА ЭКИН ЕР МАЙДОНЛАРИНИ

### АЖРАТИШ

пахта ва ғалладан қисқартириладиган, аҳоли пунктига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ҳудудлардан захирага қайтарилган ер майдонлари деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга, истисно тариқасида, **2 гектаргача** бўлган ўлчамларда очиқ электрон танлов орқали 30 йилга ижарага берилади.



## АҲОЛИГА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

Мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг **50 фоизигача**, аммо гектарига **7 миллион сўмдан** ошмаган миқдорда йиллик **14 фоиз** (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада, 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади.




## ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ

### ЭГАЛАРИГА СУБСИДИЯЛАР

Ер майдонларини суғориш учун чуқурлиги **5 метрдан** ортиқ бўлган ҳар бир вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларини қоплашга қудуқнинг ҳар бир метр чуқурлиги учун **100 минг сўмдан**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан (**15 млн.сўмдан**) ошмаган миқдорда Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳамда қулай агробизнес муҳитини яратиш «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарорида белгиланган субсидия ажратиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси учун **2 йил** муддатга узайтирилади.

### Қарорга кўра:



хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм;



импорт қилинган 1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган харажатлари 50 фоизи миқдорида;



хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорида;



ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 9 минг сўмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия

## АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР



### ЎҚУВ КВОТАЛАРИНИ ҚУПАЙТИРИШ

2023 ▶ 2024 ўқув йилидан  
бошлаб

2022-2023 ўқув йили учун Қорақалпоғистон Республикасида умумий ўрта, ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган **500 нафар**, кейинги ўқув йиллари учун эса ҳар йили 1 сентябрга қадар **6 500 нафар** ёшларнинг вилоятлардаги давлат олий таълим муассасаларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинади.



### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА ҚЎШИМЧА ВАКОЛАТЛАР БЕРИШ

Қорақалпоғистон Республикасида **мактабгача таълим** соҳасида **давлат-хусусий шериклик** бўйича **битимларни имзолаш**, истисно тариқасида **Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги** томонидан амалга оширилади.



### ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВИА ЧИПТАЛАРИНИ СОТИШ **50** ФОИЗЛИК ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИШ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида **истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар** учун **01.09.2022 йилдан** бошлаб **темир йўл** ҳамда **авиа чипталарини сотиш **50%** имтиёзли** тарифлар бўйича амалга оширилади.




### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ДАСТУРЛАРИ ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқланган **ҳар бир кам таъминланган оилага** кўмир, суюлтирилган газ, озиқ-овқат, бошқа зарурий эҳтиёжлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам пуллари**ни ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча 100 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.



# АҲОЛИНИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

 Ҳар йили **15 мингдан** ортиқ **фуқаролар** касб-ҳунарга ўқитилиб, ўз соҳаси бўйича бандлиги таъминланади.

Касб-ҳунарга ўқиганлик **сертификатига** эга ишсиз фуқароларга:

- **тадбиркорлик** фаолияти ва ўзини-ўзи банд қилиш учун **7 млн. сўм**;
- **хотин-қизларга** асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари учун **10 млн. сўмгача**;



АҲОЛИНИ КАСБ ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШ ВА МЕҲНАТ ҚУРОЛЛАРИ  
Тўплами билан таъминлаш

Уй шароитида биогомус ўғитини ишлаб чиқариш учун субъсидиялар ажратилади.



ХОТИН ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ

Ҳамширалик мутахассислиги бўйича ўқишни тугатган ва ишсиз бўлган хотин-қизларнинг малакаси оширилади, ўзини-ўзи банд қилган ҳамшираларга патронаж сумкаси ва тиббиёт жихозларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилади.

## Йўналиши доирасида



А-380 халқаро автомобиль йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтган қисми бўйлаб йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан савдо ва сервис объектларини жойлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ва ўрмон фонди ерларини аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари тоифасига ўтказилади.



Қорақалпоғистон Республикаси 13 та туманининг 35 та маҳалласида жами 809 гектар (шундан 85,6 гектар суғориладиган ер участкалари) ер майдонлари электрон онлайн-аукционга чиқарилади.




Саноат ва тадбиркорлик зоналари учун ер майдонлари ажратилиши ва тоифаси ўзгартирилиши ҳамда йўл бўйида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловларидан озод қилинади.

# A380 "ҒУЗОР - БУХОРО - НУКУС - БЕЙНЕУ" ХАЛҚАРО АҲАМИЯТДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ



## ХАРИТА СХЕМАСИ



**A-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 964-1204 км қисмини 2 тасмали цементбитон қоплама билан қайта қуриш лойиҳаси.**  
 Молиялаштириш манбаи - ОТБ  
 Умумий узунлиги - 240 км  
 Шартнома қиймати - 239,7 млн. доллар

Осиё инфраструктуравий инвестициялар банки маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудда маҳаллий аҳамиятта эга умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш

№	Туманлар номи	Узунлиги (км)
1	Амударё тумани	57
2	Беруний тумани	32
3	Тўртқўл тумани	5
4	Элликқалъа тумани	36
5	Кегейли тумани	27
6	Чимбой тумани	20
7	Нукус тумани	16
8	Хужайли тумани	25
9	Тахтақурик тумани	37
10	Қораузак	20
11	Шуманай тумани	10
12	Канликўл тумани	57
13	Қўнғрот тумани	57,1
14	Мўйноқ тумани	15
<b>Жами</b>		<b>414,1</b>


Лойиҳанинг умумий қиймати: 128,6 млн доллар

**A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 581-673 км қисмини (Тўртқўл-Беруний) айланиб ўтиш лойиҳаси**

№	Кўрсаткичлар номи	Автомобиль йўлининг мавжуд ҳолати	Автомобиль йўлининг лойиҳавий кўрсаткичлари
1	Автомобиль йўлининг узунлиги	117 км	112 км (5 км қисқа)
2	Қатнов қисми тасмалар сони	2-4 тасма	4-6 тасма
3	Қоплама тури	асфалтобетон қопламаси	Цементбетон қоплама
4	Юк кўтариш қобилияти	8 тн	13 тн
5	Автомобиллар ўтказиш қобилияти	8,0-10,0 минг дона/кун автомобиль	14,0 минг дан юқори дона/кун автомобиль
6	Автомобиль йўлининг аҳоли яшаш пунктларидан ўтган қисми	51 км (Тўртқўл ва Беруний туманлари ҳудуди)	6 км (Тўртқўл ва Беруний туманлари ҳудуди)
7	Кўприклар ва йўл ўтказгичлар	15 дона кўприк таъмирталаб ҳолатда	18 дона кўприк ва йўл ўтказгичлар
8	Икки сатхта қайригиб олиш жойлари	-	2 дона

Лойиҳа Ўзбекистонда ички ва минтақавий алоқани боғлашга, барқарор иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган самарали, хавфсиз ва барқарор йўл тармоғини ривожлантиришга хизмат қилади.  
 Шу билан биргаликда, лойиҳа амалга оширилиши билан куйидаги имконларни яратди. Жумладан:  
 - Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль йўлларининг эксплуатация хусусиятларининг самарадорлигини, ҳамда юк ва йўловчи ташиш ҳажмини, йўл ҳаракати иштирокчиларга қулайлиқни оширади;  
 - йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш орқали Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишни таъминлайди;  
 - йўлларнинг сифати ва уларни сақлаш харажатларини яхшилаш орқали автотранспортда ташиш харажатларини 2,5 баробарга камайтиради;  
 - йўл ўтказувчанлиги ва ҳаракат хавфсизлигини оширади;  
 - йўловчиларнинг йўлда ўтказадиган вақтини 30% га қисқартиради;  
 - йўл-транспорт ҳодисаларидан сонини камайтиради;  
 - Республиканинг халқаро транзит салоҳиятини оширади;  
 - транспорт воситаларининг атроф-муҳитга етказилган зарарни камайтиради.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚЎШИМЧА ТАКЛИФЛАР



## I. Ташаббускорлар билан инвестиция лойиҳалари

т/р	Объект номи	Туман	Лойиҳа қиймати, минг доллар	Яратиладиган ишчи ўрни
1	Тебинбулоқ (Loriard, "Sanoat energetika guruhi" ХК)	Қораўзак	1 950 000	5 000
2	Беркуттов ("Karatau cuprum cluster" МЧЖ)		5000	50
3	Борсакекмас -1 ("Ziyad" МЧЖ)	Кўнғирот	100	10
4	Караумбет - 1 ("Captiva" МЧЖ)	Кўнғирот	100	10
5	Кохралисой ("Bruno green mosaic" МЧЖ)	Беруний	150	10
6	Раушан ("Sanoat energetika guruhi" ХК)	Кўнғирот	10 000	100
7	Тамарли ("Sanoat energetika guruhi" ХК)		10 000	100
8	Иттибай ("Устюрт бурғилаш ишлари бошқармаси" МЧЖ)		10 000	100
<b>Жами</b>			<b>1 985 350</b>	<b>5 380</b>

□ лойиҳа таклифи - **22** та  
□ қиймати - **2** млрд. АҚШ долл

## II. Аукцион савдолари асосида бериладиган кон ва майдонлар

т/р	Объект номи	Туман	Хомашё	Лойиҳа қиймати, минг доллар	Яратиладиган ишчи ўрни
<i>Конларда қазииш ишлари</i>					
1	Жумуртов-II	Амударё	Порфирит	500	20
2	Хўжақўл (1960) 1-участкаси	Қораўзак	Бириктирувчи материал хомашёси учун ганч	300	20
	Хўжақўл (1960) 2-участкаси			300	20
	Хўжақўл (1960) 3-участкаси			300	20
	Хўжақўл (1960) 4-участкаси			300	20
3	Қораўзак-1		Порфирит	500	20
<i>Геология-қидирув ишлари</i>					
4	Қизил-Қалъа-1	Беруний	Кум-шағал	200	10
	Қизил-Қалъа-2			200	10
5	Қулбой			5000	100
6	Бирқори	Кўнғирот	Углеводород	5000	100
7	Харой			5000	100
	<b>ЖАМИ (11 та)</b>			<b>17 600</b>	<b>440</b>

## III. Қўшимча инвестицион таклифлар

т/р	Объект номи	Туман	Хомашё	Захираси	Яратиладиган ишчи ўрни
1	Қусқанатаў	Чимбой		43,1 млн т	100
2	Борсакекмас	Кўнғирот	Минерал туз	Геология-қидирув ишлари натижасида аниқланади	10
3	Караумбет		Оҳактош		10
4	Кўнғирот		10		

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!**

